220196

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 13 январь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 3 (6700)

АХБОРОТ МАРКАЗИ ТУЗИЛДИ

Республика Президенти девонида Ахборот маркази тузилди. Марказнинг асосий мақсади — мамлакатимиз халқига ва жаҳон жамоатчилигига Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида тезкорлик билан мунтазам ва батафсил хабар бериб туришдан иборат.

Шу муносабат билан республика газета ва журналлари, радио-телевидение, нашриёт раҳбарлари, етакчи журналистлар, ношир-лар иштирокида учрашув бўлди. Унда мазкур марказнинг фаолияти, республика оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар хусусида фикрлашиб олинди.

Учрашувда республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жураев, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

(ЎзА).

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КЎТАРАЙЛИК

Янги жамиятни қуриш шароитида ижтимоий-иқтисодий таълимни такомиллаштиришга бағишланган республика семинари Тошкентда ўз ишини ниҳоясига етказди. Унда республика олий ўқув юртлари ижтимоий ва иқтисодий фанлар кафедраларининг мудирлари ва ўқитувчилари иштирок этди. Улар Ўзбекистонда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва мақсадлари ҳақида лекцияларни тингладилар. Семинар тингловчилари ҳузурида республика вазирликларининг ва идораларининг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар сўзга чиқишди.

Семинарда таъкидлаб ўтилганидек, ҳаётнинг ўзи Ўзбекистон танлаб олган ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлининг тўғрилигини тасдиқламоқда. Иқтисодиётнинг барқарорлашуви кўзга ташланмоқда, кенг миқёсдаги таркибий ўзгартишлар учун мустаҳкам замин яратилди, республика аҳолиси қайта тузилган ижтимоий муҳофаза тизими фаолиятини сезиб турибди. Буларнинг ҳаммаси чинакам демократик янги жамият қуриш учун мустаҳкам пойдевордир.

Бу жараёнда бозор иқтисодиёти қонунларини, жамият тараққиёти тамойилларини фақат назарий жиҳатдан эмас, амалий жиҳатдан ҳам биладиган, ватанни, унинг тарихини севиш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбияланган мутахассисларни тайёрлашнинг аҳамияти каттадир. Шу сабабли ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича давр талабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш зарурати етилди. Айрим фанлар бўйича яқинда тайёрланган дарсликлар ва қўлланмалар семинар тингловчиларига тарқатилди. Семинар ялпи ва секция мажлисларининг материаллари умумлаштирилади ва улар ҳам янги дарсликлар яратиш учун асос бўлади.

Бундай республика семинарларини бошқа ижтимоий фанлар бўйича ҳам ўтказишга қарор қилинди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари А. Азизхўжаев ва В. Голишев, республика Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен иштирок этди.

(ЎзА).

ЭРТАГА — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

(Ватан ҳимоячиларига бағишланган материалларни 3-саҳифада ўқийсиз)

Ислоҳот одимлари

ТАҲЛИЛЛАР КЎРСАТДИКИ...

Республика Президентининг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқиб, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси вилоятдаги барча шаҳар ва туман халқ таълими тизимларида 11 ойлик ишларнинг диагностик таҳлилини ўтказди. Таҳлил якунлари ўтган йилнинг 4 декабридан 20 декабрига қадар ҳар битта шаҳар ва туманда педагог фаолларининг йиғилишларида алоҳида муҳокама қилинди. Йиғинларда ҳокимлар, ҳоким ўринбосарлари кўпгина корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳам қатнашдилар.

Таҳлил жараёнида вилоят маорифчилари кейинги пайтларда ўз ишларига маъсулият билан ёндашиб, бир қатор ютуқларга эришаётганлари маълум бўлди. Айниқса, ўқувчиларнинг билим даражалари, билим сифати тобора юқори савияга кўтарилаётгани кўзга ташланди. Жумладан, Қўқон шаҳри, Фарғона, Учқўприк, Фурқат, Қува, Бағдод каби туманларда болаларнинг фанлардан ўзлаштириши 95-98 фоизни, сифат ўзлаштириши эса 75-80 фоизни ташкил этаяпти. Қиргули туманидаги 21-мактабда эса ўзлаштириш 100 фоизни, сифат ўзлаштириши 81 фоизни кўрсатди.

Шу билан бирга, таҳлил кўрсатдики, айрим жойлардаги аҳвол мутлақо талабга жавоб бермайди. Бунга мисол қилиб Риштон, Охунбобоев, Ёзёвон туманларидаги баъзи бир ўқув даргоҳларини кўрсатиш мумкин. Марғилондаги 15 в 17-мактаблардаги ўзлаштириш ҳатто 38-50 фоизни, сифат ўзлаштириши эса 8-10 фоизни ташкил этган. Бу каби натижаларнинг сабаби ўқитувчиларнинг ўз устларида яхши ишламасликларида, узаро услуб алмашмасликларидадир. Муаллимлар бир-бирларининг дарсларига кам кирадилар. Айрим мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари йил давомида атиги 20-30 соат дарс таҳлил қилганлар.

Шаҳар ва туманларда халқ таълими бўлимлари, педагогика кабинетлари ишни суст олиб боряптилар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбонов Президентимизнинг Самарқанд ва Қашқадарё вилоят сессияларида сўзлаган нутқларида халқ таълими соҳасида кўрсатиб ўтган камчиликларнинг баъзи бирлари Фарғона вилоятига ҳам даҳлдор эканлигини таҳлилий далиллар асосида исботлаб берди.

Фарғона вилоятининг мактабгача тарбия муассасаларида олиб борилаётган кенг қамровли яхши ишлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шулардан Ўзбекистон туманидаги «Наврўз» болалар боғчаси тарбиячиси Марҳабо Абдувоситова «Тарбиячи-95» республика кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни эгаллади. 1995 йил давомида вилоят боғчаларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўргатиш тажриба-синов сифатида амалга оширилди. Унинг натижалари боғча тарбиячиларининг Фарғона туманида ўтказилган амалий семинарида кўриб чиқилди.

Болаларни мактабга алифбосиз тайёрлаш 1994 йилда вилоятнинг бир нечта боғчаларида тажриба сифатида ўтказилган бўлса, 1995 йилда бундай гуруҳ ҳар бир боғчада биттадан очилди. Шу мавзу бўйича Ўзбекистон, Тошлоқ туманлари ва Қувасой шаҳрида семинарлар ўтказилди.

Ютуқлар кўп. Бироқ ҳали мактабгача тарбия муассасаларидаги умумий иш қўнгилдагидек эмас. Аввало, боғча билан мактаб ўртасидаги алоқани қониқарли деб бўлмайди. Кўпчилик мактаб директорлари боғча остонасига қадам қўймаганлар. Вилоятда 6 ёшли болаларнинг 45 фоизи боғчаларга тортилган. Қолган 55 фоизи мактабга тайёргарликсиз келаяпти.

Дастлабки маълумотларга кўра, вилоятда 25 та боғча ёпиб қўйилган эди. Унинг 14 тасини қайта очишга эришилди.

Шунингдек, фаоллар йиғилишларида бошланғич таълим, мактаблан ташқари муассасалар, бошқарма тасарруфидаги ўқув даргоҳлари ҳақида ҳам жиддий танқидий фикрлар билдирилди.

Қурилган масалалар юзасидан тегишли холимларга нисбатан қатъий чоралар кўрилди, аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар белгиланди.

А. ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Зафаробод тумани кейинги йилларда нафақат ишлаб чиқаришдаги, балки ижтимоий соҳалардаги ютуқлари билан ҳам тилга тушмоқда. Туманда халқ таълимини юксалтириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилаётир. Жамоатчи мухбиримиз туман ҳокими Собиржон АБДУСАТТОРОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

Халқ таълими ва ҳокимият

ИСТИҚБОЛ ТАЯНЧИ

— Собиржон Отабекович, ўзингизга маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг келажак эгалари — ёшлар таълим-тарбияси масаласи умумдавлат вазифаси сифатида ўртага қўйилди. Айтинг-чи, туманда халқ таълимини давр талаби даражасига кўтариш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Саволингизга жавобни Президентимизнинг «Фарзандларимизни яна ҳам яхши таълим-тарбияли ва одобли қилиб етиштириш ишларини таъминлаш — бизнинг миллий бурчимиздир», деган гапларини эслаш билан бошламоқчиман. Дарҳақиқат, ёш авлод таълим-тарбияси бугунги кунда ҳар қачонгидан муҳим вазифа сифатида ўртага қўйилган. Негаки, мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда маънавий камолот суръатларини тезлаштириш, таълим ва тарбия ишларини оқилона ташкил қилиш, маърифат тадбирларини мунтазам йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга. Туман ҳокимияти ҳам ўз фаолиятида худди шу мезонларни дастуриламал қилмоқда.

— Ушбу фикрингизни аниқ мисоллар асосида изоҳлаб берсангиз?

— Бажонидил. Туман ҳокимлиги 1995 йилда «Таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларга амалий ёрдам бериш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ана шу қарорга асосан тумандаги ижараширкатлар бирлашмалари раҳбарлари, йирик ташкилотлар бошлиқлари мавжуд 18 та умумтаълим мактабларига бош директор, мактабгача тарбия муассасаларига ҳомий этиб тайинланган. Бу эса уларнинг мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари фаолиятини янада яхшилаш учун доимий шуғулланишларига имкон бермоқда.

Бундан ташқари, туман ҳокимлиги халқ таълими соҳасидаги долзарб вазифаларни мунтазам равишда кўриб чиқиб, туман халқ таълими бўлимига амалий ёрдам бериб келяпти.

Халқ таълими муассасаларининг ўз зиммаларидаги вазифаларни бекаму кўст бажаришлари, аввало, мактабларнинг кучли кадрлар потенциали ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлигига боғлиқ. Мактабларимиздаги 820 ўқитувчининг 15 нафари олий, 180 нафари биринчи, 176 нафари иккинчи тоифали мутахассислар. 2 та мактабимиз иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиб, банкда ҳисоб рақамига эга. Барча мактабларга деҳқончилик қилиб, иқтисодини мустаҳкамлаш учун 3 гектардан 25 гектаргача ер ажратиб берилгани таълим-тарбия ишларини юқори поғонага кўтаришда қўл келяпти.

— Қарорлар қабул қилиш, дастурлар ишлаб чиқиш билан иш битмайди, уларнинг ижроси, амалий натижаси муҳим, шундай эмасми?

— Гапингиз тўғри. Туман ҳокимлиги халқ таълими юзасидан қабул қилган қарорлари, чиқарган фармойишлари, ишлаб чиқилган дастурлари ижросини қаттиқ назорат қилиб бормоқда. Бунинг натижасида биргина 1995 йилда оталиқ ташкилотлар кучи билан 4 та мактабга алоҳида иситиш тармоқлари қуриб берилди, барча мактабларимиз тўлиқ ва жорий таъмирдан чиқарилди. Мактабга кўрсатган амалий ёрдами учун Ҳ. Олимжон номли хўжалик раҳбари, 8-ўрта мактаб бош директори А. Абдукаримов Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан «Таълим ҳомийси» нишони билан тақдирлангани бежиз эмас. Охунбобоев номли, С. Раҳимов номли, К. Турғунбоев номли хўжаликлар (раҳбарлари А. Маматқулов, Б. Маллаев, М. Қўзибоев) ўз ҳудудларидаги мактабларга 250000 дан 1 миллион сўмликкача ўқув қуроллари олиб бердилар, таъмирлаш ишларини бажардилар.

Облоқул Валиев раҳбарлик қилаётган 3-мактаб-боғча вилоятдаги энг намунали таълим-тарбия жамоаси деб топилиб, «Йил мактаби-95» республика кўрик-танлови совриндори бўлди. Тарбиячи Фарида Ҳамроева эса «Йил тарбиячиси» вилоят кўрик-танловида 3-ўринни эгаллади. Бу мактаб-боғчадаги ибратли ишлардан яна бири таълим-тарбия жараёни тадбиркорлик билан уйғун ҳолда олиб борилаётганидир. Мактаб вакиллари ўтган 1995 йилда Республика телевидениеси томонидан ўтказилган «7X7», «Ўзбекистон — Ватаним маним» телетанловларида муваффақиятли иштирок этди. 25 гектар майдонда деҳқончилик ишларини олиб бориш ва мактабда ҳар хил халқ истеъмол моллари тайёрлаб сотиш эвазига иқтисодини мустаҳкамлаб олди. Ҳозир бу жамоанинг банкдаги ҳисоб рақамида 34 минг доллар валюта ҳам бор.

Туманимиздаги 3, 4, 8-мактабларнинг бир неча ўқувчиси Республика олимпиадаларида иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлганлиги, 9-ўрта мактаб жуғрофия фани ўқитувчиси Б. Бекмуродов ўзига хос кўргазмали қуроллар ясаш бўйича Республика кўригида қатнашиши халқ таълими соҳасидаги ютуқларимизни кўрсатувчи мисоллардандир.

— Ўзингизга яхши маълумки, Республикамиз Президенти Мустақиллиқнинг дастлабки йилларидаёқ «Соғлом авлод учун» дастурини илгари сурганди. Бу дастурни амалга ошириш фақатгина халқ таълими ходимларинингина иши эмас...

— Ҳақиқатан ҳам соғлом авлодни камол топтириш биргина мактаб жамоаларининг иши эмас, балки Республикамиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотларининг энг долзарб вазифаси ҳисобланади. Туман ҳокимлиги бу масаланинг моҳиятини тўла англаб етган ҳолда иш юритиб, соғлом авлод дастури бўйича жуда кўп ишларни амалга оширмоқда. Биргина мисол. Зафаробод шаҳарчасидаги марказий ўйингоҳ ва болалар боғи 1995 йилда тубдан қайта таъмирланиб «Зафар» спорт соғломлаштириш марказига айлантирилди. Бу ишга 4 миллион сўм маблағ сарфланди. Марказда йил бўйи турли хил спорт мусобақалари, ҳар хил кўнгилочар тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Икки йилдан буён ҳар шанба куни болалар боғида ўтказиладиган «Шанба оқшомлари» катталар билан бирга болажонларга ҳам завқ-шавқ бағишламоқда.

Гап келганда бир нарсани эслатиб ўтай, туманимиз ҳар йили ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажариб, вилоятда ғолиблик қилаётган бўлса, санъат, спорт, ижтимоий таъминот соҳалари бўйича ҳам Республика кўрик-танловларида фахрли ўринларга сазовор бўлмоқда. Жумладан, бадиий ҳаваскорларимиз 4 йилдан буён вилоят кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаб, Тошкентда ўтказилган «Истеъдод-95» танловида 2-ўринни олишга сазовор бўлди. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши ижтимоий ходими» кўрик-танловида туманимиз вакили Сайёра Турсунова 2-ўрин соҳиби бўлди. «Зафар» футбол командамиз 1995 йилда вилоят чемпионлигини қўлга киритди.

Республика ва вилоят кўрик-танловларида туман шарафини ҳимоя қилаётган истеъдодлар, билимдонлар, жисмонан баркамол спортчилар мактабларнинг кечаги ўқувчилари. Уларнинг издошларини кўпайтириш доимий эътиборимизда бўлиб келаяпти. Республика беллашувларида муваффақиятли қатнашиб келаётган 12-мактабнинг баскетбол, 8-мактабнинг миллий кураш, 1-мактабнинг бокс командалари эришаётган натижалар бизни қувонтиради.

Туманимиз ҳокимлиги халқ таълимини ривожлантириш, таълим муассасалари ўқув-моддий базаларини мустаҳкамлаш, мактаб ислоҳотини муваффақиятли бориши учун барча шарт-шароитларни яратишдек шарафли ишга ўзининг биринчи даражали вазифаларидан деб қарайди. Зотан мактаб, унда камол топаётган ёш авлод бизнинг эртанги кунимизнинг, истиқболимизнинг таянчидир.

Суҳбатдош Аҳмад БОЛИБЕКОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

МУХЛИСЛАР БАЙРАМИ

Халқимизнинг улуғ адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллуди кунида унинг уй-музейи одамлар билан гавжум бўлиб кетди. Бу ерда адибнинг мухлислари, замондошлари, адабиётшунос олимлар Ойбек ҳақидаги хотираларидан сўзладилар. Ойбек ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Шундан сўнг, йиғилганлар янги манбалар билан бойитилган Ойбек уй-музейини томоша қилдилар. Адиб таваллуди мухлисларнинг чинакам байрамига айланиб кетди.

Дил изҳори

САХОВАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ТАДБИРКОРЛАР!

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов қувалик ишбилармон мактаб қуриб берганини маъқуллаб, «Орангизда шундай азамат бўлса айтинг...» деди.

Бизда бор! Бўлганда ҳам шу ташаббусни бошловчилар бор. Собиқ ўқувчим шаҳрихонлик Омонулло Ҳабибуллаев туман «Сардор» жамоа хўжалигида барча қулайликларга эга болалар боғчасини қуриб берганди. Шаҳрихон шаҳрида У. Юсупов ва А. Усмонов каби олижаноб тадбиркор, саҳийқалб эгалари 1,3,4-мактабларни жорий таъмирлашга бош қўшдилар. Уларга: «Саховатингизга балли, тадбиркорлар!», — дегим келади.

А. АБДУЛЛАЕВ,
Шаҳрихон шаҳридаги Намуна номли 1-мактаб муаллими, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

«Маърифат» хабарлари

ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейида «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуидаги ўқувчилар иншоси республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати танловга тавсия этилган 44 та иншодан 11 тасини энг яхши деб топишди. Биринчи ўрин эса Андижон туманидаги Турк лицей-интернатининг 9-синф ўқувчиси Бахтиёр Камоловга насиб этди. Ғолибга 1600 сўм пул мукофоти топширилди.

«ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС»

Халқимизнинг ушбу доно нақли Самарқанд туманидаги касб-ҳунар лицейида бўлиб ўтган вилоят ҳокимлигининг кенгашида қайта-қайта тилга олинди. Кенгашда ёшларни бозор иқтисодиётига ўргатиш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, келажакка ҳунарли кадрларни етиштириб бериш каби масалалар ва бунда ҳунар лицейларининг, бизнес мактабларининг ўрни ҳақида фикрлашиб олинди. Қатнашчилар амалга оширилаётган эътиборли ишларни эътироф этганлари ҳолда, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни жиддий танқид қилдилар.

Семинар самаралари тез орада кўзга кўриниб қолса,ажабмас.

ЯНГИЛИНАЁТГАН ФАЛСАФА

ТошДУ фалсафа факультети биносида Ўзбекистон Республикаси Фалсафа Жамияти Раёсати қошидаги доимий илмий-назарий Семинарнинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кун тартибига қўйилган мавзу — «Фалсафа фанининг предмети ҳақида» маърузачилар билдирган фикрлар юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

Йиғилишда таъкидланишича,янгиланаётган жамият фалсафанинг ҳам янгиланишини тақозо қилади. Демак, фалсафа бугунги жамиятимиз билан бақамти янгиланиб бормоғи учун файласуфларимизнинг илмий-назарий семинари ҳали давом этади.

МАКТАБДА МАХСУС СИНФЛАР

Бекобод шаҳридаги 5-ўрта мактабда ёшларга таълим-тарбия беришнинг илғор усуллари қўлланилиб,дастлабки қувончли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, гимназия синфлари ташкил этилгани ҳамда уларга олий, биринчи тоифали, тажрибали ва изланувчан ўқитувчиларнинг жалб қилингани айни муддао бўлмоқда. Яқинда ушбу илм даргоҳига республика Халқ таълими вазирлигидан хушхабар келди — мактабга «гимназия синфлари бўлган мактаб» мақоми берилиб, махсус гувоҳнома топширилди. Энди бу ерда таълим олган ўқувчиларга ҳам шундай шаҳодатнома берилади.

Дарвоқе, ҳозир мактабнинг 400 га яқин ўқувчиси 18 та махсус синфларда сабоқ олишаётир.

Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Эҳтиром

У БИЛАН ЁРУҒДИР ҚОРОНҒУ ХОНАНГ

Қўли қалам ушлашни билган, дили зиёни, қўнгли эзгуликни таниган ҳар бир инсоннинг миннатдорлик билан эслайдиган ҳеч бўлмаса бир муаллими бўлади.

Ҳар тонг одамизод кўзининг нури, белининг қуввати, ғурурию сурури ҳисобланмиш дилбандини мактаб томон кузатар экан, ҳосилининг тақдирини она заминга ишониб уруғ ташлаган деҳқон туйғуларини кўнглидан кечиради.

Зеро, ёруғ умидларини пучга чиқармоққа муаллимнинг ҳакки йўқ! Мен шундай уйлар оғушида Каттақўрғон туманидаги Чўлпон номидаги 54-ўрта мактабга йўл олган эдим. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз: Каттақўрғон тумани маорифчиларининг кўп йиллардан буён Самарқанд вилоятида ўзига хос ўрни бор. Уларни барчага намуна сифатида тилга олишади. Тумандаги мактабларни тугатган ўқувчиларнинг аксарияти олий ўқув юртларига муваффақият билан қабул қилинмоқда. Шунингдек, ўқувчилар республика миқёсида ўтказилган кўплаб баҳслар, беллашувларда ғолибликни қўлга киритиб, ўз салоҳиятларини намойиш қилишмоқда.



Чўлпон номидаги мактаб ҳам намуна қилиб кўрсатиладиган маърифат даргоҳларидан бири саналади. Илм маскани директори Тоштемир ака Қудратов — олий тоифали ўқитувчи, халқ таълими аълочиси, салкам қирқ йилдан буён ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради.

Унинг рафиқаси Мукаррама Мирзаеванинг ҳам асл касби ўқитувчи. Муаллимликнинг нозик, сирли йўллари аро дил-дилга, умр-умрга туташган.

Мукаррам опа кўп йиллар донгдор хўжаликнинг донгдор раисаси сифатида эъзозланиб келди. Шу кунларда опа хўжалик раиси ўринбосари, ўзи яшайдиган маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисаси вазифаларини бажармоқда.

Дам олиш кунлари Қудратовлар хонадонининг ораста ҳовлиси ўғил-қизлар, келинкуёвлар, набиралар билан гавжум бўлади. Ҳамиша изланиш, ўқиш, ўрганиш, ўргатиш, тартибли ҳаёт Тоштемир ака хонадонини шундай бахтиёр дамларга муяссар этган.

Тоштемир Қудратов раҳбарлик қилаётган мактаб жамоаси ўқитувчиларининг саккиз нафари олий тоифали, 17 нафари 1-тоифалидир. Жамоада ғийбат, фисқу фасодга ўрин ҳам, вақт ҳам йўқ. Барчанинг нияти, интилишлари битта: соғлом авлодни тарбиялаш! Шу сабабдан бўлса керакки, мактабда бир ўқув йилида вилоят миқёсидаги икки семинар ўтказилди.

Мактабда компьютерлар билан ишлаш хонаси мавжуд. Кабинет мудири Уктамжон Мустафоев — олий тоифали муаллим, III-даражали «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.

Ўктамжон ўз ишига қаттиқ кўнгил қўйган. 1987-1988 ўқув йилида КУВТ — 76 маркали компьютер синфи жиҳозланиб, ишга туширилгандан буён техника ихлосманди бўлган муаллим кўп вақтини шу синфда ўтказади. Ўқувчилар ҳамиша Уктамжоннинг атрофида гавжум. Танаффусда ҳам, дарсдан сўнг ҳам бу хонани тарк этгилари келмайди. Улар информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дарсларига ниҳоятда қизиқишади. Юқори синф ўқувчилари эса компьютер билан эркин тиллаша оладилар.

Бир қанча фанлардан тест-синовлар компьютерлар орқали ўтказилди.

Ўктамжон Мустафоевнинг нияти — тезкор, замонамиз талабига мос, саводхон ёшларни тарбиялашдир.

Биз чет тиллар ўқув хонасини, айниқса, ҳавас билан томоша қилдиқ. Бу ерда олий тоифали муаллималар — Иродахон Рўзиева инглиз тилидан, Дилоромхон Хўжаева рус тилидан дарс беришади. Хонага ўрнатилган лингафон аппаратлари ўқувчиларнинг сўзларни тўғри талаффуз қилишларига ёрдам беради.

Ҳар иккала тилда ўқувчилар бинойидек гаплаша олишади.

Бугун тил билмай туриб чегарадан ўта олиш, катта ишларга қўл ўриш қийинлигини муаллималар ўқувчиларига яхшилаб тушунтиришган.

Яна бир ҳамиша гавжум хона бу — услуб хонаси. Бу ер ўқитишнинг энг янги услубларини тасвирловчи плакатлар, китобчалар, қўргазмалар билан безатилган. Инглиз тили ўқитувчиси Иродахон Рўзиева, рус тили ўқитувчиси Дилоромхон Хўжаева, 1-тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Мавжуда Шукурова, 1-тоифали муаллима Гулчеҳра Файзиеваларнинг иш тажрибалари вилоят миқёсида оммалаштирилган. Уларнинг иш фаолиятига бағишлаб нашр этилган варақалар деворда осиғлиқ турибди.

«Изла, урган, ургат!» номли бурчакда олий тоифали тарих ўқитувчиси Искандар Ҳасанов, бошланғич синф ўқитувчиси Хурсантош Пармонова, ҳунар таълими ўқитувчиси Файзулло Рўзиевларнинг дарс услублари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ерга ташриф буюрган муаллимнинг кўнглидаги саволлар бежавоб қолмайди.

Мактаб залларини, ўқув хоналарини мамнун айланар экан-миз доноларнинг сўзлари ёзилган қўргазмаларни, турли стендлар, тасвирларни кузатиб завқланамиз. «Шу азиз Ватан барчамизники» стенди, соҳибқирон Амир Темурга бағишланган қўргазмалар, Ўрта Осиёда яшаган ва ижод этган буюк мутафаккирларнинг сиймолари кўнглимизни фахрга тўлдирди.

Ҳа, шогирдлари эл олдида обрўли кишилар бўлсин учун ўз умрларини бахшида этаётган 54-мактаб педагогик жамоаси ишлари мақтовга сазовордир. Илло, уларнинг шогирдлари ишончларини оқлагай.

Муаллим ҳар куни синф хоналарига кириб «Ассалому алайкум» деган сеҳрли калима билан иш бошлар экан, эзгулик дарсини ўтиш жараёнида умри ўтаверади. Бу жараёнда ўзи ҳам элнинг энг обрўли одамига айлана боради.

Биз эса:

Ўғлим, толеингда иккинчи онанг,
Бошингда парвона муаллиминг бор.
У билан ёруғдир қоронғу хонанг,
У тўшар умрингнинг йўлларига зар. —
дея миннатдорлик сатрларини битаверамиз.

Хосият БОБОМУРОДОВА.

Синаб кўринг

МАҲОРАТ ОМИЛЛАРИ

Устоз номи муқаддас. Илму одоби азиз... Бу тушунчаларни янада улуғлаш учун қандай ишларни амалга оширмоғимиз, етакчи мураббий бўлиш учун нималар қилмоғимиз керак? Умуман, қандай қилсак ўғил-қизлар меҳрини қозонамиз, уларни қайси услублар билан ўз фанимизга қизиқтиришимиз мумкин? Бу каби саволларни ҳар бир муаллим ўйлайди ва ўз изланишлари натижасида жавоб топади.

Албатта, у ёки бу ҳолатдан чиқиб кетиш, аввало, ўқитувчининг ўзига боғлиқ. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Бир мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари билан 11-синфда геометрия дарсини кузатдик. Синф ўқитувчиси ТошДДни яқинда битирган, дорилфунун аспиранти, билимли, иқтидорли йигит экан. Унинг синфни бошқариши бизга маъқул бўлди.

Кузатиш натижаси шуни кўрсатдики, ўтилган дарс мавзуси ўқувчилардан сураганда, мавзунинг моҳияти очилмади. Демак, мавзу ўқувчиларга тушунарли бўлмаган. Шу ҳолатда ўқитувчи янги мавзуни тушунтиришга киришди. Унинг қўлида бор ва ёзиш учун синф ёзув тахтаси бор эди, холос. Ўтилган мавзу аввалгисига боғлиқ эди. Муаллим кўп уринди, бироқ ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмади. Чунки унда мавзуни ёритиш учун ёрдам берадиган, уни ҳаётга боғлаб ўқувчи кўз олдида гавдалантирадиган ҳеч қандай восита йўқ эди. Ўқувчиларга ўз фикрини тушунтира олиш, уларни ишонтира билиш учун дарс услуби ва далил керак бўлади. Яна бунинг устига тилнинг содда ва равонлиги етишмасди, ўқитувчининг тили жуда китобий эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: демак, ўқитувчига билимли бўлишнинг ўзи камлик қилар экан, билим билан бирга педагогик маҳорат ҳам керак экан.

Бошқа бир мисол. Шаҳримиз мактабларининг бирида 10-синфда ўқийдиган ўқувчи адабиёт муаллимасидан чораккa уч баҳо чиқариб қўймасликни, бошқа қўшимча топшириқ беришини илтимос қилади. Унга жавобан ўқитувчи мактабда утказиладиган йиғинда ашула айтиб берсангина чоракка «4» баҳо қўйишини айтади. Ўқувчи бу топшириқни жон дили билан бажаради. Кейинчалик ўқувчи қай кўз билан кўрсинки, ўша чоракда адабиётдан «3» баҳо қўйилган. Шундан сўнг, бу боланинг кўнгли тил ва адабиёт ўқитувчисидан ҳам, ўша фандан ҳам жуда-жуда қолди. Кейин ҳатто катталарнинг ҳар қанча аралашишига қарамай, бу муносабатни ўзгартириб бўлмади. Бундан шундай хулоса чиқадики, ўқитувчи фақат рост сўзлаши, бажара оладиган иши учунгина ваъда бериши, берган ваъдасини унутмаслиги лозим экан.

Устоз ва шогирднинг узаро тил топиша олишларида муаллимнинг ўқувчига инсон сифатида самимий муносабатда бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Суҳбат чоғида ўқувчининг исмини айтиб туриш, ўқувчининг яхши томонларини кўпроқ таъкидлашга ҳаракат қилиш, унинг қизиққан ишларига бефарқ бўлмаслик, дарсларда рағбатлантириш усулларидан фойдаланиш каби омилларни муҳим деб ҳисоблайман.

Ўғил-қизларнинг қалбига йўл топишнинг энг асосий шартларидан бири шуки, аввало, ўқувчи билим бераётган ўқитувчисини яхши кўрсин, ҳурмат қилсин, фақат шундагина у сабоқ олаётган фанини севади. Шунингдек, муаллим доимо ўз устида ишлаб бориши, ҳар бир дарс кўргазмали бўлиши, ҳаётга, даврга боғланиши, миллий педагогик меросимиздан олинган ҳаётий далиллар билан бойитилиши зарур.

Умуман, ёш муаллимлар ўз педагогик фаолиятларида юқорида кўрсатилган тамойилларга амал қилсалар, ўйлайманки, тезда ўқувчилар назарига тушадилар, ҳурматини қозонадилар, жамоа орасида эса маҳоратли, ижодкор мураббий сифатида устоз деган номга мушарраф бўладилар.

Малоҳат НАЖМИДДИНОВА,
Республика Таълим илмий-методика марказининг бош методисти.

ЙИҒИЛИШ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида Узбекистон Президенти И. Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асари таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни институт ректори Б. Қодиров байрам табриги билан очиб, ушбу китоб юртимизнинг маънавий, маданий ҳамда маърифий жабҳаларидаги ислоҳотларнинг йўналишларини белгилаб берувчи дастуриламал эканлиги тўғрисида гапирди.

Сузга чиққанлар эса бу асар миллий маънавият ва мафкура муаммоларини қўйиш билан чекланмай, уларни ҳал этишнинг аниқ мезонларини белгилаб бераётганлигини таъкидладилар.

А. ОМОНБОЕВ.

Мулоҳаза ва таклифлар

ЗИЁБАХШ САТРЛАР ҚУДРАТИ

Ўқувчиларда мактабдаги ўтилаётган фанларга бўлган қизиқишларини ошириш таълим беришнинг асосий шартларидан биридир. Ўқувчиларни дарсга қизиқтириш эса ўз-ўзидан бўлмайди. Ўқитувчидан доимо изланишда бўлишни, ўз устида ишлашни талаб этади. Дарҳақиқат, бунда матбуотимиздаги айрим мақолалардан ҳам, педагогик жамоамиздаги илғор ҳамкасбларимизнинг услубий кенгашларда қилган маърузаларидан ҳам, қолаверса, ўзаро тажриба алмашиш дарсларидан ҳам бирор янгилик олиш ҳамда билимимизни бойитишда фойдаланиш мумкин.

Ижодкор ўқитувчи дарсларга янгилик киритиш билан бирга ўқувчиларнинг диққатини белгиланган мавзуга қаратиб, чуқурроқ тушунча беришга ҳаракат қилади. Шу маънода мен ҳам юқори синфларда она тили ва адабиёти фанларини ўтишда дастур ва дарсликдан четлашмаган ҳолда маърифатпарварларимизнинг матбуотда, шунингдек, адабиётларда ёритилган ихчам, лекин ғоят мазмундор мисраларидан унумли фойдаланаман. Бу эса ўқувчиларнинг диққатларини бир нуқтага тўплаб, мавзунинг моҳиятини тушунишига ёрдам беribгина қолмай, балки фанга бўлган қизиқишларини ҳам оширади. Бунинг учун мен мутафаккирларимиз ижодидан олинган ҳикматли сўзларни ўша кунги адабиёт ёки она тили дарсларининг мавзуси моҳиятига боғлиқлигига қараб қўллайман.

Очиғи, она тили дарсини грамматик таҳлилсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мен ана шундай таҳлил қилиш пайтларида дарсликдаги ҳар йили ўтилавериб ўқувчиларни зериктирадиган айрим машқлардан воз кечаман ва бунинг ўрнига юқорида таъкидлаганимдек, маърифатпарварларимизнинг ижодларидан мисралар танлайман.

Мактаб-интернатимизнинг ўқувчилари кўриш бўйича ногирон бўлганликлари сабабли ёзма таҳлил тахтада эмас, дафтарда бажарилади. Бунинг учун мен таҳлил қилишга танлаб олинган гапни бир марта ўқувчиларга овоз чиқариб айтиб бераман, кейин дафтарларига ёздириб, уларни мустақил таҳлил қилиш (таҳлил морфология ёки синтаксис бўйича)ларини кузатаман.

Ниҳоят, ўқувчилар томонидан қилинган таҳлилнинг бир нечтасини қараб чиқиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини айтаман. Шундан сўнг ўқувчиларнинг диққатини гап тариқасида таҳлил қилинган шеърий парчанинг мазмунига қаратаман. Агар зарурат бўлса, уни изоҳлаб бераман.

Кўнгилларга нур олиб кирувчи зиёбахш сатрлар илмга ташна қалбларга дил жавоҳирларини инъом этибгина қолмай, тушкун кайфият ва тарқоқ фикрда ўтирган ўқувчиларнинг маънавиятига маълум даражада ижобий таъсир қилади. Демак, она тили ва адабиёти фани дарсларда ўрни-ўрни билан маърифатпарварларимизнинг ижодларидан фойдаланиб бориш бизга фақат фойда келтиради.

Амалдаги дарсликларда берилган айрим машқлар ҳақида бундай фикрларни айтиб бўлмайди. Машқлардаги гапларнинг аксарияти маълум мақсаднигина англатиб, маълум грамматик қурилишгагина эга. Уларда ҳеч қандай маърифий аҳамият йўқ ҳисоби. Менинг таклифим: мактабларнинг юқори синфлари учун чиқариладиган она тили дарсликларини қайта нашр этишда Халқ таълими вазирлиги қошидаги шу соҳанинг мутахассислари ва дарсликлар устида иш олиб борувчи ҳурматли муаллифлар она тили дарсликларига классик меросимиздаги маънодор, маърифий аҳамияти кучли бўлган сўз гавҳарларини мумкин қадар кўпроқ киритишни эътибордан қочирмасалар, назаримда, она тилини ўрганишда, талабаларнинг унга бўлган муҳаббатини оширишда яна ҳам кўпроқ муваффақиятга эришган бўламиз.

Нишон ШАКАРОВ,
Самарқанд шаҳридаги 59-махсус мактаб-интернатнинг ўқитувчиси.

Янги дарслик

Ижодиёт оламига олиб киради

Республикамизда 80 дан ортиқ ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда махсус дастур асосида таълим-тарбия ишлари олиб борилади.

Яқин-яқингача ёрдамчи мактабларни дарсликлар билан таъминлаш ёмон аҳволда эди. Муаллимлар ўрта умумтаълим мактаблари учун чиқарилган дарсликларни мослаштириб, катта қийинчиликлар билан дарс беришарди. Бу эса ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг билимларни ўзлаштиришида катта қийинчиликлар туғдирарди. Мамнуният билан айтиш керакки, истиқлолга эришганимиздан сўнг бу борада ҳам ижобий силжишларга эришилмоқда. Ўтган бир неча ўқув йили мобайнида нашриётларимиз ёрдамчи мактаблар учун ўнга яқин дарсликларни чоп этгани бунинг ёрқин исботидир. Шу йил «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган Маълума Хўжаеванинг «Ўқиш китоби» бунга бир далил бўла олади.

Еттинчи синф учун «Ўқиш китоби» муаллифи М. Хўжаеванинг ёрдамчи мактаблар таълим-тарбияси соҳасидаги бой тажрибаси дарсликни тузишда ҳам қўл келган.

«Ўқиш китоби» А. Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеъри билан бошланади. Бу шеър содда ва таъсирчан ёзилганлиги учун ҳам ҳар бир қалбга етиб боради. 7-синфда ўқийдиган ўсмир шеърдаги ҳар бир мисра маъносини англаб ета олади ва мазмунини тушуниб, қалбига жойлайди. Ўсмир учун буюк бобомиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ғоят муҳимдир. Шу боис дарсликда улуғ шоир ҳаётига бағишланган матнлар равон ва қисқа тартибда берилган, ўқувчилар эътиборига тушунилиши осон бўлган ижод намуналари ҳавола этилган.

Дарсликда тартиб берилган барча материаллар ҳам ёрдамчи мактабнинг еттинчи синф ўқувчилари учун мақбул тарзда танланган. Дарслик ўқувчини ўзбек адабиёти билан таништиради, халқ ижодиёти оламига олиб киради, қардош ва жаҳон халқлари ижодиётига ошно этади. Ундаги «Қўшимча мутолаа учун» дея тартиб берилган ижод намуналари ҳам ўқувчи савиясини ошириш, дунёқарашини бойитишга хизмат этади, ёшларни камолотга эриштиради.

«Ўқиш китоби» беш минг нусхада чоп этилган бўлиб, дарсликда оқ-қора суратлар ҳам илова этилган. Унга тажрибали ношир Ф. Юсупов муҳаррирлик қилган.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтсак. Кейинги пайтда «Ўқитувчи» нашриёти чоп этаётган дарсликларда айрим ҳолларда имловий хатолар учраб турмоқда. Китоб ўқувчи учун ғоят ҳурматли ва эъзозлидир. Бу хатолар ўқувчиларни чалғитмоқда, муаллимларни эса ҳижолатга қўймоқда. Юқоридаги «Ўқиш китоби» ҳам ана шундай имловий хатолардан холи эмас.

Шунга қарамай, ёрдамчи мактаб муаллимлари ушбу дарсликни мамнуният билан кутиб олишди. Биз «Ўқитувчи» нашриёти янги-янги дарсликларни чоп этиб, муаллимларни яна ҳам мамнун этади, деган умиддамиз.

Волида РАҲМОНОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўқитувчиси.

Акс садо

ЯНА ЧЎЛПОН ЎЛИМИ ҲАҚИДА

Ўзбек жадидчилик ҳаракатининг доҳийси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ваҳшиёна қатл этилгани ҳақидаги ҳақиқат маълум бўлгач, маданий Туркистон мотам либосини кийди. Беҳбудийнинг Самарқанддаги шогирдлари унинг қабрини ахтаришга тушдилар. Чўлпон, чамаси, бу воқеадан хабардор эди. Лекин «гул ўрнига заҳар тилар муҳит»да шоир улар сафидан ўрин ололмади ва бу ҳақда шундай деб ёзди:

Мен-да ожиз у муҳитнинг олдида
Қабринг топиб кўз ёшимни тўкмакка
Ҳамда аччиқ хиддатим-ла ул ерда
Оқ каллалик қора девни сўкмакка.
Шунинг учун юлдуз каби ярқираб
Элда қолган исминг билан турамен.
Шул номни эслаб, чизган йўлингдан
Йироқ кетмай, қимирламай юрамен.

Беҳбудий Туркистон халқларининг миллий уйғониши ва истиқлоли йўлида қурбон бўлган эди. Унинг исмини эслаб, у чизган йўлдан йироқ кетмаган Чулпон ҳам шундай қисматга дучор бўлди.

Сўнгги йилларда олиб борилган изланишлардан шу нарса маълум бўлдики, Чўлпон 1938 йилнинг 4 октябрида, Тошкентнинг Бўзсув атрофидаги қатлгоҳларнинг бирида отиб ташланган. Шу куни у билан бирга яна талайгина қаламкаш дўстлари, давлат ва партия арбоблари ҳам шўро ўқидан ер тишланганлар.

«Маърифат»нинг 1995 йил 22 ноябрь сонида Шарофиддин Бакир ўғлининг «Чулпон отилганда-ўлганми?» деган мақоласи эълон қилинди.

Чулпон сингари улуғ сиймоларнинг фожиали ўлими тўғрисидаги ҳар бир хабар маърифатли омма томонидан катта изтироб билан қабул қилинади ва бу хабар, рост ё ёлғон бўлишидан қатъи назар, тилдан-тилга кўчиб, турли миш-мишларни келтириб чиқаради. Умуман, нечундир марҳум кишилар тўғрисида миш-мишлар кўпроқ тўқиладиган бўлган. Бундай миш-мишларни тарқатувчи кимсалар жабр-дийда сиймолар руҳини безовта қилиш гуноҳи азим эканлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Бундан бир неча йил илгари Усмон Носирнинг Туркияда соғ-саломат яшаётганлиги тўғрисида миш-миш пайдо бўлган эди. Бундан хийла вақт илгари эса унинг қандайдир илоҳий қудратга эга мухлислар ёрдами билан ўлим лагеридан қочиб, Сирдарё бўйларида бошқа исм-фамилия билан истиқомат қилаётгани ҳақида гап тарқалган, ҳатто бу миш-миш бир шоирнинг Усмон Носир ҳақидаги достонига пойдевор бўлган эди.

Мана, бугун яна шундай бир миш-мишнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Тўғри, бу миш-мишнинг муаллифи 70-йилларнинг бошларида Турбатда вафот этган «тожик домла»нинг Чўлпон «эканлиги»ни узил-кесил тасдиқламайди. Аммо унинг «Турбат аҳолиси салкам 20 йил Чўлпон билан яшаб, у билан бир ҳаводан нафас олган экан», деган сўзларини ўқиган ё эшитган кишиларнинг бундай овозаларга ўч оммага беминнат дастёр бўлишлари ҳеч гап эмас.

Аввало шуни айтиш керакки, 30-50-йиллардаги қатлгоҳларга отиш учун олиб борилган маҳбусларнинг бирортаси ҳам тирик қолмаган. Шунинг учун муаллифнинг қуйидаги сўзлари қатъий «техника»сидан мутлақо хабарсиз кишининг гапларидир: «Тожик домла»ни ҳам барча «халқ душманлари» қаторида отиб юборишган. Отганлар бирорта ўқ бехато кетмаслигини билиб, ўликларни ўша жойда қолдириб кетишган. Улардан кейин гўрковлар келиб, (?) ўликлардан бирининг нафас олаётганлигини сезишиб, яширинча уни чойхонага (?) олиб келиб, даволаб, сўнг кийинтириб, Қозоғистонга қочириб юборишган экан».

Муаллиф ўйлаганидек, отувчилар бошқа-ю, гўрковлар бошқа бўлмаган. Шунинг учун кимнингдир бу жаҳаннамдан омон чиққанлиги тўғрисидаги хабар арзон-гаров миш-мишнинг ўзгинасидир.

Чулпоннинг ўлими тўғрисидаги ривоятлар, афсуски, шу билан тугамайди. Маълум бўлишича, хориждаги ўзбек адабиёти билан шуғулланувчи, хусусан, Чулпон ҳақида қатор китоб ва мақолалар ёзган кишиларнинг бирида жабр-дийда шоирнинг ўлими ҳақида қуйидаги маълумот бор эмиш:

Ўша мудҳиш тунда Чулпон ўзига келиб теккан ўқдан ўлмай, тирик қолган. Ўқлар эса саноқли бўлиб, ё тугаб қолган, ё отувчи «ҳайф» кетган ўқ учун командирдан дашном олмаслик ниятида милтиғини шу заҳоти ташлаб, қаердандир болтани олган-у бир даҳшатли зарба билан Чулпоннинг бошини танасидан жудо қилган.

Бояги хорижий мутахассисга бу маълумотни уруш йилларида иттифоқо душманга асир тушган ўша отувчи айтган.

Менимча, ҳақиқатга яқинроқ воқеаларга эга бўлганига қарамай, бу маълумотга ҳам ишониш қийин. Зероки, қуроллари фақат милтиқ билан белкурак бўлган отувчиларнинг ихтиёрида қўққисдан болтанинг пайдо бўлиб қолиши ҳам, махсус қисмдаги манқурт отувчининг биринчилар қаторида фронтга юборилиши ҳам ишонч уйғотмайди.

Шарофиддин Бакир ўғли юқорилаги «оламшумул» янгиликни хабар қилиш билан кифояланмай, яна илҳомга зўр беради: «Айтишларича, — деб ёзади у, — «домла» қишлоқда Абдукарим Сулаймонов билан дўстлашган бўлиб, ўзининг шеърларини, асарларини шу киши воситачилигида Ғафур Ғуломга юбориб турар экан. Агар бу доим рост бўлса, Чўлпон, Ғафур Ғулом билан дўст бўлгани эътироф этилган (жумла бироз ғализроқ)! Агар бу инсон Чўлпон бўлса, Ғафур Ғулом қандайдир «халқ душмани» билан алоқа қилиб (?), уни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганининг (?) гувоҳи бўламиз. Яна шундай бир ҳақиқат борки, 60-йиллар бошларида Ғафур Ғулом Турбатда бўлиб, Абдукарим Сулаймоновнинг уйида бир кеча меҳмон бўлганлигини ҳамма фахр билан эслайди».

Муаллифнинг бу каби асосларига ишонгингиз келмайди. Борди-ю, «тожик домла»нинг Чўлпон эканлиги тўғрисидаги миш-миш тўғри бўлганда ҳам, агар у ўз шеърларини Тошкентга, хоҳ Ғафур Ғуломга, хоҳ бошқа бир ёзувчига юбориб турганида, у, албатта, яна қамоққа олинган ва отиб ташланган бўларди!

Шарофиддин Бакир ўғли «тожик домла»нинг фарзандларига ёзиб берган туморларини рўкач қилиб, чўлпоншуносларни шу туморларни ўрганишга чақирмоқчи бўлади. «У Чўлпонми ёки бошқами, бирибир ижодкор (?) эди, инсон эди. Унинг тақдирига ҳеч ким бефарқ қарамаслиги лозим», деб хитоб қилади у. Эҳтимол, бу туморларни унинг ўзи текшириб ўрганиб чиқар. Аммо у кашф этган кишининг Чўлпонга ҳам, адабиётга ҳам мутлақо алоқасиз киши эканлиги аниқ.

«Нафаси ўткир бўлганлигидан касалларга доим «дам» солиб қўювчи», «бало-қазоларни даф қилувчи» «тожик домланинг Чўлпон бўлиши асло мумкин эмас. Чўлпон қаламкаш дўстлари Абдулла Қодирий, Фитрат ва бошқалар билан бир кунда — 1938 йилнинг 4 октябрида мустабид тузум қурбони бўлди.

Наим КАРИМОВ,
профессор.

ЮРТИМ, АЛПОМИШДЕК ПОСБОНЛАРИНГ БОР!

БОТИР БЎЛИНГ, БОЛАЛАР!

Болаларимиз, ўсмирларимизни ҳарбий хизматга тайёрлашга азалдан эътибор бериб келишган. Чунки ҳар бир ўғлон ватан ҳимояси учун доим тайёр бўлиб туриши керак. Ватанни ҳимоя қилиш эса ҳар бир йигитнинг бурчи. Хўш, бугун бу борада қандай ишлар амалга оширляпти. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўлим бошлиғи Т. МУҲИТДИНОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Айтинг-чи, чақириққача ёшларни тайёрлов соҳасида мустақиллик туфайли қандай янги ўзгаришлар содир бўлди?

— Биласизми, Республикамизнинг мустақилликка эришуви шарофати боис айтиш мумкинки, энг муҳим тарихий воқеалар содир бўлди. Биринчи навбатда, республика ўз Қуролли Кучларига эга бўлди ва мудофаа қобиғини мустаҳкамлаш борасида бир қатор қонунлар қабул қилинди. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат», «Мудофаа ҳақида», «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Вазирликда ҳам мазкур ҳаракатларнинг давоми сифатида чақириққача ёшларни тайёрлаш концепцияси ҳамда Низоми ишлаб чиқилди. Қолаверса, биз бир вақтнинг ўзидаёқ бу соҳадаги ўз дастуримизни тайёрладик ва жойларга юбордик.

— Республикада чақириққача ёшларни тайёрлаш борасида яна қандай ибратли ишларни айта оласиз?

— Чақириққача ёшларни тайёрлаш дастурининг негизи жисмоний тарбия ва фуқаро мудофаасини ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, жисмоний тайёргарликсиз ҳарбий аскарни асло тасаввур этиб бўлмайди. Келинг, яхшиси, бу тўғрида, аниқроғи, маълумот тариқасида бир неча мисоллар келтириб ўтсам.

Ўтган ўқув йилида 7261 та умумтаълим мактаблари, 401 та ҳунар-таълим билим юртлари, 4 та ёшларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейда чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқуви ташкил этилди. Бундан ташқари, республикадаги ўқув муассасаларимиз 7094 та махсус жиҳозланган ҳарбий синфхона, 6127 та ҳарбий майдонча, 4226 та бадан-тарбия шаҳарчаси, 3766та ҳол шаклли чизим тўсиқларига эга. Машғулотлар сифатини таъминлаш борасида жойларда барча шарт-шароитлар етарли, дея дадил айта оламан.

— Мана, мактабларда кўпинча кўриб қоламиз, мутахассис камлигиданми, ё бошқа сабабми, чақириққача ёшларни ҳарбийга тайёрлаш дарсларини жисмоний тарбия ўқитувчиларининг зиммасига юклаб қўйишади. Бу ўринда Сиз нима дея оласиз?

— Йўқ. Бу буткул нотўғри. Чақириққача ёшларни тайёрлаш фанини ўқув муассасаларида, албатта, ҳарбий таълим раҳбари ва ўқитувчилари олиб боришлари зарур. Ҳарбий таълим раҳбари лавозимига олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган истеъфодаги зобитлар тайинланади. Кадр етишмовчилиги сезилган тақдирдагина олий ва ўрта махсус маълумотли, махсус тайёргарликдан ўтган прапоршик (мичман), сержант (старшина) ва аскарлар тайинланади. Ҳозирги кунда республикамиз халқ таълим муассасаларида 7166 нафар ҳарбий таълим раҳбарлари фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг 4750 нафари истеъфодаги зобитлар, 4172 нафар зобит эса олий маълумотга эга.

— Маълумки, чақириққача ёшларни тайёрлаш дарслари мактабларда 10-11-синфларгагина мўлжаллаб ўтилади. Аслида бу фанга ўқувчиларни 8-синфданоқ йўналтириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикин?

— Саволингиз жуда ўринли. Бу масала бўйича Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлисининг 1994 йил 14 январдаги қарорига мувофиқ чақириққача ёшларни тайёрлаш фани синов тариқасида 9-синфларда (ҳар бир вилоятда 2 тадан мактаб) ўқитилмоқда. Мазкур синов 1996-97 ўқув йилида ниҳоясига етади. Шундан келиб чиқиб биз ҳам Вазирлар маҳкамасига бу борадаги ўз таклифимизни олиб чиқамиз, албатта.

— Ёшларга тилакларингиз?..

— Биласизми, ҳар бир ўзбек фарзандининг вужудида ҳамиша буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг қони жўшиб туради. Мен юрак-юракдан истардимки, келажакда бугунги ёшларимизга бевосита суяниб, ўзимиз орзу қилган ҳар тарафлама қудратли давлатни барпо этсак. Бунга жавобан бўлажак ҳимоячиларимиз ҳам юксак матонат, жанговарлик, айниқса, ўзбек аскарига хос ботирликни сира қўлдан бермайдилар, деган умиддаман.

О. ҲАЙИТОВ суҳбатлашди.

ЙИГИТНИНГ ГУЛИ

Ота-боболар айтганидек, ўзбекнинг боласи барибир содда, тўпори, чапани... Лекин унинг ўткир нигоҳида нур, қалбида меҳр, билакларида битмас-туганмас саховат бор. У олам-олам таърифу тақсинларга лойиқки, барчамизни ардоқлаб келган, ғўдакдек эркалашдан чарчамаган муқаддас замин ҳам азал-азалдан ёлғиз ўшанга суянган, фахру ифтихор этган, ахир.

Илгари одамлар хонадонга илк бора таниш буюрган совчидан энг аввало куёв бўлмишнинг қандай юмуш билан машғуллигини, ҳарбий хизматни ўтаган-ўтамаганлигини, албатта, суриштиришарди. Қисқаси, армияга бормаган йигитга ҳеч ким қиз бермасди. Чунки ҳар бир ўсмир ҳарбийда темир интизом, кучли тарбия ва қуникмага эга бўлиб қайтсагина, «оғир арава»ни бемалол ғилдиратиб кета олишини ҳамма жуда яхши тушунарди.

Йиллар ўтди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида эса ҳарбий сафарбарлик кўзимизга бироз издан чиққандай бўлиб ҳам кўринди. Болаларимиз орасида хизматдан бош тортиш, ҳарбий қисмдан қочиб кетиш ҳоллари кузатилди. Аммо мен халқимизнинг бир оз бўлса-да, шу нарсага эътибор қаратишини истардимки, ҳарбий қисмдаги ҳар бир аскар учун етарли даражадаги жавобгар шахслар раҳбарият томонидан, албатта, ажратилади. Улар қумондонликнинг ҳеч қанақа эътирозга ўрин бермайдиган қатъиққўл қонунларига сўзсиз бўйсуниб келганлар ва бўйсунадилар ҳам. Қолаверса, ҳарбий хизмат даврида интизомга риоя қилиш, биринчи навбатда ҳар қайси аскарнинг ёлғиз ўзигагина боғлиқ. Чунки, ишёқмас, ёлғончи, ғийбатчи, том маънодаги «латта» шахсларни ҳеч қайси жамият сиғдира олмаслигини барчамиз яхши биламиз!..

Лекин айбни бутунлигича йигитларимизнинг ўзига тўнкариб қўйиш ҳам инсофдан эмас. Сунгги 2-3 йил оралиғида республика умумтаълим мактабларининг айримларида чақириққача ёшларни тайёрлаш дарслари савияси бир оз тушиб қолди. Баъзи мактабларда дарслар деярли ўтилмади. Ўтилганлари ҳам давр талабига жавоб бермайдиган даражада бўлди. Асосий сабабларидан бири айрим даргоҳларда бу ишга ҳеч қандай махсус тайёргарликдан ўтмаган шахслар жалб этиб қўйилди. Ахир, оз-моз бўлса-да, ҳарбий тушунча ёхуд қуникмаси йўқ, мурғак онгига ҳақиқий ватанпарварлик руҳи ўз вақтида сингдира билинмаган ўсмирда не гуноҳ?!

Биз озод Ватаннинг дилбандлари, энг асосийси, пойи қадамлари кўзларга суртгулик буюк сиймоларнинг асл меросхўрларимиз, қолаверса, ўғил ўстираётган ҳар бир хонадонда Амир Темурдек соҳибқироннинг покиза руҳи ҳамиша меҳмон. Зеро, йигит ўз номига монанд топилсагина остона қутлуғ бўлажак. Энг кучли, мард, тўғри сўз, ҳалол йигитни «йигитнинг гули» дейишади. Негаки, у ҳамиша инсонларга хуш кайфият, энг асосийси, фаровон ҳаёт бахш этиши айни ҳақиқатдир. Шуңдай ўғлонларни Ватан кутади, эл олқишлайди.

Олимжон ҲАЙИТ.

Лицейга қумондонликдан тез-тез меҳмонлар келиб туришади.

КАМОЛОТ ПОЙДЕВОРИ

Тошкент ҳарбий лицейи республикадаги энг кўзга кўринган тарбия масканларидан биридир. Бу ерда ҳар йили 300 нафардан зиёдроқ 15-16 ёш оралиғидаги ўғил болалар махсус ўқитилиб, олий ҳарбий билим юртлари ихтиёрига жўнатилади.

Зобитлик кишидан биринчи навбатда кучли жисмоний тайёргарликни талаб этиши сабабли ҳам тарбияланувчиларнинг асосий вақтини спортга йўналтириш, ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари турли спорт мусобақаларини ташкил этиб бориш, умуман, ҳарбий касб ва жисмоний тарбияга оид барча зарур ҳаракатларни ҳар бир болада шакллантириш доимо жонкуяр педагогларнинг диққат-эътиборида.

Лицейдаги ўқитиш жараёни ҳам, асосан физика, математика фанлари аниқ мақсад сифатида қаралгани ҳолда оддий мактаблардан бутунлай фарқ қилиб, дарс пайтида лоқайдлиги сезилган ёки бўлмаса ортиқча ўйинқароқликка берилганлар шу дақиқадаёқ қаттиқ жазоланади. Ҳафта давомида «2» баҳо олиш уйга бориш ҳуқуқидан маҳрум этиб қўйиши муқаррарлигини чуқур англаган ўқувчилар эса ҳар қайси фандан фақат аълочи бўлишга тинимсиз ҳаракат қилишади. Ж. Холҳўжаев, Б. Холҳўжаев, Ф. Ҳасанов, У. Даламетов, Б. Султонҳўжаев каби тарбияланувчиларни бу ҳусусда лицейнинг фахри, дея бемалол айтиш мумкин. Бундай натижаларнинг барчаси лицей директори С. Аҳроровнинг ташаббускорлигию оқилона раҳбарлиги, Р. Имомбоева, С. Йўлдошева, И. Оллоёров, Б. Мирзаев сингари тажрибали муаллимларнинг пешона тери самарасидир.

Қолаверса, меҳрибон мураббия, тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Сайёрахон Муҳитдинова етакчилигида тарбияланувчилар ўртасида «Энг яхши ётоқхона учун», «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусидаги ҳарбий марш қўрик-танловлари тез-тез ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирлаб борилади. Булар ҳам бўлажак ҳимоячиларимизнинг эстетик дидини янада ўстириш, улар онгига она заминга чин садоқат руҳини тобора чуқурроқ сингдириб бориш учун муҳим воситадир.

Лицейда фақат миллий кадрлар тайёрланади. Шу сабабли ҳам ўқишга асосан ўзбек тилида сўзлашувчи йигитлар қабул қилиниб, дарслар эса рус ва давлат тилларида олиб борилади.

Ота-боболаримиз «Пойдевор мустаҳкам бўлса, уй эскирмайди», — дея бежиз лутф этишмаган. Мен ҳам қоп-қора, бежирим формадаги келишган ўзбек йигитларини зимдан кузатар эканман, миллий армиямизнинг тез муддатларда, албатта, тенгсиз қудрат касб этишига, бу борада Тошкент ҳарбий лицейи сўзсиз камарбаста бўлиб қолишига яна бир бор ишондим.

Мухбиримиз.

Тарбияланувчилар спорт машғулотлари пайтида.

1996 йил — Амир Темур йили

ҲАРБИЙ САНЪАТ ЖОЗИБАСИ

Буюк саркарда Амир Темурнинг ҳарбий ишларига нисбатан «санъат» атамасининг қўшиб ишлатилиши ҳарбий ишнинг ўта моҳир устаси, мағлублик нима эканлигини билмаган жаҳоншумул саркарда маъноларини англатади. Амир Темурнинг ҳарбий санъатини тарих дарсларида изчиллик билан мавзуларга боғлиқ ҳолда ўрганар эканмиз, унинг ҳарбий юришларида қўллаган тадбирлари кишини беихтиёр лол қолдиради.

Тўғри, уруш маҳрумликлар ва вайронагарчилик, катта-катта чиқимларни талаб қилади. Худди мана шу жуда мураккаб масалаларни Амир Темур ҳарбий тамойилларида адолат билан, маҳрумликларсиз ҳал қилишни биринчи ўринга қўяди. Яъни, унингча, сиёсий йўл билан мақсадга эришиш мумкин бўлган ерда қурол билан ҳаракат қилиш нотўғридир. Яна бошқа давлатда адолатсизлик, зўравонлик, жабр-зулм кучли бўлса, бундан халқ норози бўлиб, аҳволи мушкуллашган бўлса, Амир Темур фикрича, ҳар бир ҳукмдор бундай зўравон ва бошқа қўшни давлатларга ҳам хавф солаётган подшолликни тартибга солиш учун ҳаракат қилиши керак. Бундай шароитда Тангрининг ўзи унга мададкор бўлади.

8-синф «Ўзбекистон халқлари тарихи»да «Темур давлати ва унинг истилолари» мавзусига 2 соат вақт ажратилган. Албатта, мазкур дарсларда буюк саркарданинг бутун ҳарбий талантини кўрсатишнинг иложи йўқ. Чунки юқорида ажратилган икки соатнинг бир соати Темур давлатининг ташкил топишига сарф қилинади. Қолган бир соатда у тарихий ҳарбий юришларида қўллаган ҳарбий тактик ва стратегик усулларидан лавҳалар келтириш ўқувчиларни туғёнга келтиради, буюк аждодларимиздан фахрланиш ҳиссини тарбиялайди.

Буюк саркарда ҳар бир тарихий ҳарбий юришлари ўзининг тактик ва стратегик усуллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Чунки ҳар бир ҳарбий юриш рақибнинг жанг қилиш майдони, у ердаги жангчилар учун мавжуд жанг қилиш шароити, рақибнинг қуролланиш даражаси ва миқдори, рақиб жангчиларининг жанговарлик руҳий ҳолати ва бошқа кўпгина жанг жараёнида ҳал қилувчи омиллар мавжуд бўлади. Синчков саркарда Амир Темурнинг назоратидан юқоридаги жанг омиллари четда қолмайди. Уларни жуда пухта сарҳисоб қилган саркарда ҳар бир аниқ жанг учун ўзига хос ҳарбий усулларни қўллайди. Буларнинг ҳаммаси тарихий ғалабаларнинг калити бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, Амир Темур Тўхтамишга қарши 1389, 1391, 1394-1395 йилларда тарихий жанглар қилган.

Тўхтамиш рус давлатининг бирлашиши учун бош байроқдор бўлган Москва князлиги учун ягона рус давлатини шакллантиришда асосий душман эди. Ўз ўлкаси обод бўлишини чин дилдан истаган Амир Темурнинг ҳам Олтин Урда билан ўз ҳисоб-китоби бор эди. Хитойдан, Қрим, Қуйи Волгабўйи ва Хоразм орқали Европага борадиган карвон йўли бўлган. Темур асосий мулкларининг иқтисодий жиҳатдан гуллаб — яшнашини умид қиларди. Темурнинг Тўхтамишга қарши урушидан мақсадларидан бири ҳам савдо-тижорат йўлидаги тўсиқларни йўқ қилиш эди.

Душман эса катта қудратга эга эди. Айни вақтда рақиб 2500 километр узоқликдаги 500 минг жангчига эга бўлган катта-кичик жангларни кўриб, тажриба орттириб чиққан Тўхтамиш эди. Темурда эса 200 минг қўшин бор эди. Кучлар нисбати, уруш олиб борадиган жойларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш ва бошқа имкониятлар жиҳатидан Тўхтамиш беқиёс даражада имкониятларга эга эди. Саркарда Амир Темурдан ғалаба қозонмоқ учун уруш қоидаларининг барча икир-чикирларигача риоя қилишни, катта жасорат, ута ҳарбий маҳорат талаб қилинар эди.

Ҳарбий юриш олдидан Амир Темур ўз қўшинлари, қўшин бошлиқлари, амалдорларнинг ишончлигини синаш мақсадида катта қурултой ўтказди. Йиғилишдан кунгли тўлган соҳибқирон мажлис аҳлини обдон катта зиёфат билан сийлади. Катта юриш олдидан қўл остидаги анча кучли бўлган хоразмликлар, ўзбек қабилаларини тўла итоат эттирди, яъни аввал ўз уйида тинчлик ўрнатди. Бундан ташқари Олтин Урдага олиб борадиган йўлларни жуда пухта ўрганди.

Амир Темур Самарқанддан ўз рақиби турган ерга борадиган 3 та йўл мавжуд эди: 1) Орол ва Каспий денгизлари ўртасидаги Уст-юрт тепаликлари орқали борадиган йўл. 2) Орол денгизининг Шарқий томонидан Урол дарёси ўрта қисмлари томон тўғри йўналишдаги йўл. 3) Орол денгизининг Шарқий томонидан Шимолга —Тобол дарёсига тахминан ҳозирги Троицк ва Оренбург географик чизиғи бўйлаб ўтган йўл.

Синчков Амир Темур йўлларнинг барча жиҳатларини пухта ўрганди, қўшинни чучук сув, озиқ-овқат, отларни ем-хашак билан таъминлаш, қўшинни ҳам душманга сездирмай олиб бориш жараёнларини белгилаб олди. Юқоридаги йўлларнинг ичида учинчи йўлни танлади. Бу йўл гарчи узоқ бўлса ҳам хавфсиз ва отлиқ аскарлар учун ҳам қулайликлар мавжуд эди.

Тошкентдан январь ойи охирларида йўлга чиқиб, май охирида Урол дарёсининг кечув жойига етиб келди. Амир Темур то Тобол дарёсига етиб келгунча душман ҳақида ҳеч қандай маълумот ололмади. Бу ҳарбий юришнинг ярмидан кўпроғи кўчиб юриш орқали Тўхтамишдан ўз йўналишини яширишга эришади. Шу ерга келиб 2-3 кун қўшинни ов қилишга рухсат берди. Сўнгра 2 кун давомида қўшинни кўприкдан ўтказди.

Қўшин мингликларга бўлинган бўлиб, Амир Темур яқинлашганда қўшиндаги ҳар бир қисм бошлиғи отдан тушиб, унга ўзининг қисмини кўрсатар, жангчиларнинг абжирлиги ва чаққонлигини намойиш қилар, тез чўкиб ерни ўпар, буюк саркарда шаънига дуолар ўқиб, унинг ғалабасини олқишлаб, керак бўлганда унинг учун жонини тикишга тайёр эканлигини изҳор этишарди. Амир Темур қўшин ёнига яқинлашиши билан жангчиларнинг хайқириқлари Дашти Қипчоқни ларзага солар эди.

Қуриқдан сўнг Амир Темур душман турган ерни аниқлашга киришди. Тобол дарёсига етиб келган айғоқчи қоровул жангчиларнинг кўзи 10 га яқин алангага тушди. Пистирма қўйиш орқали бир неча душман жангчиси қўлга тушириди. Улар орқали Тўхтамиш турган жойни аниқлашга эришилди. Жангчилар Тоболдан ўтиб, Урол дарёси томон йўл олдилар.

Мўғуллар учун ўрмон ҳарбий тактик жиҳатдан қулай бўлиб у пистирма қўйишга, яширинча ҳаракат қилишга, қўққисдан ҳужум қилишга, айланиб ўтишга, армия сонини яширишга имкон берар эди. Амир Темур Тўхтамиш шу афзалликлардан яхши фойдаланишига ва уни ўрмон чети орқали чекинишга имкон бермаслик учун чап томондан айланиб ўтди. Бу билан Тўхтамишнинг кўчма пойтахтга бориш йўлини тўсиб қўйди.

Амир Темур Тўхтамишни ўрмондан улоқтириб ташлаши ва Волга дарёси томон йўналтириши керак эди. Амир Темур бирдан душман ҳужум қилмаслиги учун тезда вақтли қароргоҳ барпо қилишни буюрди. Мазкур жойга хандоқлар қазиш, жангчилар ўз қисмларидан жилмаслик, доимо айғоқчилик қилиш, ўт ёқмаслик, қуёш чиқишиданолдин бир фарсанг масофада 30 минг жангчи қароргоҳ атрофини айланиб юришга буйруқ берди.

Амир Темур душманни жанга тортиш мақсадида 20 минг қўшин ажратиб, уларни сохта чекиниш йўли билан пистирмага бошлаб келишни буюрди. Шу йўл билан душманнинг 3 мингдан ортиқ жангчисини яксон қилди. Ниҳоят, Амир Темур Кондир дарёси бўйида душманни ҳал қилувчи жангга жалб қилади.

Амир Темурнинг жангчилар руҳиятига таъсир қилиш учун башорат қилувчилари бор эди. Амир Темур қўшинидаги имом номоздан сўнг Қуръони Каримдан бир сура ўқиб шундай деган эди: «Мулжаллаган ишларингни амалга оширавер, сен ғолиб бўласан. Тангрининг ўзи сенга мададкор бўлади». Амир Темур Тўхтамишнинг бош байроқдорини ўз томонига жалб қилган эди. Жанг жуда қизиган вақтда душман байроқдори ўз байроғини тубан қилади. Маълумки, бу байроқ орқали қилинган ишора душманнинг енгилганлигини билдирар эди.

Айни вақтда ўз жангчиларининг душманга нафратини ошириш ва душман жангчиларининг руҳиятини синдириш учун 8 минг кишилик қисмга намойишкорона чодирлар қуриб, зиёфат беради. Жангчиларнинг фидокорлиги ва моҳирлик билан кўрган тадбирлар куч ва имконият жиҳатидан устун бўлган душманни тор-мор қилиш имкониятини беради.

Буюк Жаҳонгирнинг ҳарбий маҳоратидан атиги бир лавҳа келтирдик, холос. Шунинг ўзи ҳам Амир Темур жаҳон саркардалари орасида ўзига хос ўрни ва ҳарбий доҳо эканлигидан далолат бериб турибди.

Буюк ҳарбий саркарда Амир Темурнинг бетакрор ҳарбий санъатидан барча тарих дарсларида ўрни билан фойдаланиш мумкин. Жумладан, Қадимги дунё тарихи, Ўрта асрлар тарихи, Янги тарих, Энг янги тарих ва бошқа умумий тарих дарсларида тарихда содир бўлган йирик урушлар ва унда иштирок этган саркардаларнинг ҳарбий маҳоратини тилга олганда буюк саркарда Амир Темурнинг ҳам санъати ҳақида қисқа тушунтириш керак.

Марказий Осиё халқларининг тараққиётида муҳим тарихий тараққиёт босқичини ташкил этган буюк саркарда бобомиз Амир Темурнинг ҳарбий-сиёсий давлатчилик меросини пухта ўрганиш жонажон Ватанимиз олдидаги буюк бурчимиздир.

Ғ. АБДУРАҲИМОВ, Наманган вилоят иқтидорли болалар лицейининг олий тоифали тарих ўқитувчиси.

Қутлов

ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ

Инсон ҳамиша қандайдир бир янгилик, кашфиёт яратишга интилади. У ўз олдига қўйган мақсади йўлида кечаю кундуз тинмасдан тер тўкади, меҳнат қилади. Вақт ўтган сайин унинг амалий ишлари, пешона тери «ҳосил»га киради ва «мева» бера бошлайди. Яъни, у ўтказган умр зое кетмасдан, чеккан заҳматлари эвазига ажиб кашфиётлар дунё юзини кўради. Зариф Норбоев ҳам ана шундай машаққатли меҳнатни қўрқмасдан бўйнига олганлардан.

Ёшлигида табиатга қизиқувчан йигит бўлгани учун дастлаб у СамДУнинг умуртқасизлар зоологияси бўлимига ўқишга кириб, уни 1963 йилда тугаллади. Сўнг уч йил давомида Санкт-Петербург (Ленининград) зоология институти аспирантурасини тамомлаб, 1967 йилдан ТошДУ илмий лабораториясига ишга кирди. Э. Норбоев янгилик яратиш ўйфикри билан тинимсиз меҳнат қилди. У Узбекистон шароитида қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар етказувчи, уларнинг илдиз таркибини ва ҳосилини касаллантирувчи паразит фитонеметодлар гуруҳини ўрганиб, уларга қарши чора-тадбирлар яратди. З. Норбоев 1968 йилларда «Узбекистоннинг айрим вилоятларида бўртма нематодаларни тарқалиши» мавзуида номзодлик диссертациясини, 1989 йилларда профессор Аҳрор Тўлаганов тавсияси билан Москвадаги «Гельминтология» институтида «Гетеродеридлар ва мелойдогинидлар оиласига мансуб нематодаларнинг келиб чиқиш марказлари» мавзуида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди ва биология фанлари доктори илмий унвони соҳиби бўлди.

Заҳматкаш олим бир неча йиллар қишлоқ хўжалигининг пахта, ғалла, сабзавот ва мевали экинларнинг паразит фитонеметодларини чуқур ўрганиб, фитонеметодлар гуруҳини ўрганиш бўйича ўтказилган ўн бешдан ортиқ илмий экспедицияга раҳбарлик қилди.

З. Н. Норбоев ижод қаламига 120 дан зиёд илмий мақолалар мансуб бўлиб, улар чет элларда ва бошқа марказий журналлар, тўпламларда чоп этилган. Олим 1987 йилдан бошлаб тупроқ умуртқасиз ҳайвонлари экологияси илмий лабораториясига мудирлик қилиб келмоқда.

Биз, ҳурматли Зариф Норбоевични 60 йиллик таваллудлари билан чин қалбдан табриклаб, ижодларига баркамоллик, ўзларига сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламиз.

ЭЛРАЎНО АЗИЗОВА,
биология фанлари номзоди, доцент.

ҚАДРЛАШГА ЛОЙИҚ МЕРОС

Олтин сандиқ

XV—XVI аср маданий мероси узининг ранг-баранглиги, тарихий, адабий, этнографик, фалсафий, жуғрофий, табиат фанларига оид маълумотлари билан киши диққатини ўзига жалб этади. Беруниийнинг «Ҳиндустон», Бобурнинг «Бобурнома», Восифийнинг «Бадоеъ-ул-вақоеъ» асарлари шулар жумласидан.

XV—XVI асрда яшаб ижод этган Навоий, Бобур, Ҳумоюн саройларида хизмат қилган Ғиёсиддин Хондамирни «Макоримул-ахлоқ», «Ҳабибус-сияр» ва бошқа асарлари орқали асосан тарихчи олим сифатида таниб келганмиз. Лекин бу мўътабар шахснинг уч жилддан иборат «Тарихи ҳабибус-сияр ва афроди башар»асари муаллифнинг нафақат тарихчи олим, балки юксак дидли адабиётшунос, география фани билимдони, зоология, биология, ориентология (қушшунос), ғоршунослик, ҳуллас, табиатда содир бўладиган жуда кўп воқеа-ҳодисаларнинг билимдони, тадқиқотчиси эканлигини кўрсатади.

«Маърифат» газетасининг муштарийларига маълумки, биз Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр» асаридаги ноёб воқеаларга оид бой қараш ва илмий нигоҳларини газетанинг 1993 йил декабрь ойи ва 1994 йил январь ойларидаги сонларида форс тилидан таржима қилиб берган эдик. Газета таҳририятининг маълумотича, кўп сонли газетхонлар, айниқса, ўқитувчилар Хондамир асаридаги бу маълумотларни завқ билан мутолаа этганлар, улардан дарс жараёнида фойдаланганлар. Авлодларимиз бундан 500 йил муқаддам бу сирли оламнинг жуда кенг, ранг-баранг мўъжизалари билан қизиққанлар, тадқиқ этганлар. Бу китобда келтирилган маълумотлар бугунги олим, тадқиқотчи, ўқитувчи ва оддий кишиларни ҳам чуқур тафаккур этишга, тадқиқот ўтказишга ундайди. Шу боис, биз мазкур асарнинг «нодир воқеалар»га бой саҳифаларини таржима этдик ва лутфан Сиз муҳтарам муштарийларга тақдим этмоқдамиз.

Таржима матнини тақдим этишдан олдин шуни таъкидлаш жоизки, Хондамир уч жилдли «Ҳабибус-сияр» (ҳажми ҳозирги китобларимизда тахминан 4000 бет) асарини якунлар экан, ҳам Шарқ китоб яратиш анъанаси, ҳам китобхонини инсон зоти яратилиб, муаллиф яшаган XV—XVI асрга қадар бўлиб ўтган ҳисобсиз жангу жадаллар, тож учун курашлар оламидан олиб чиқиб, унинг чарчоғини ёзиш, фикрини дунёнинг турли-туман нодир воқеалари оламига жалб этиб, руҳий дам олишга имкон яраттандек кўринади. Бироқ муаллиф ўзи сезмаган ҳолда биз авлодлар учун беҳисоб илмий мерос қолдирган, шу қатори узининг дунёқараши, билимдонлиги, ўз давридаги илм олами билиш доирасининг кенглигини намоён этган ҳам. Фақат бугина эмас, Хондамир мазкур маълумотларни ёзар экан, ўзидан олдин бу маълумотларнинг айрим далиллари зикр этилган, XII—XV асрларда форс тилида яратилган «Туҳфатул-ғаройиб», «Саҳҳоҳ», «Ажоибул-булдон» «Тарихи ғузида», «Масолиқул-молик» каби асарларни эҳтиром билан тилга олади, бу маълумотлар ҳақида ўз фикини билдиради, тўлдиради, айримларини инкор қилади.

Қуйидаги таржимамизда Хондамирнинг, асосан, жуғрофий билими, мамлакатлар тарихига оид қарашлари, турли давлат ва элатларнинг урф-одати, табиати ва ер ости, ер усти бойликлари ҳақидаги фикрларини келтирдик.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент, «Ҳабибус-сияр» парчалари таржимони.

Хондамир

«ҲАБИБУС-СИЯР»

ЕРНИНГ РУБЪИ МАСКУНИДА, БУҚАЛАМУН ДУНЁДА СОДИР БЎЛГАН АЖОЙИБ ВОҚЕАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСВИРЛАРИ

Ғаройиб жаҳонга ҳамду сано айтиш ва анбиё ва мурсалин[1] хабарларини етказишга дуо айтишдан сўнг маълум бўлгайким, зукко ҳукамолар фа фикри теран фузалолар билдирурларким, Ер куррасининг ярми йирик денгизлардан ташкил топган бўлиб, уни «уқёнус» деб номлаганлар Ва қолган ярми эса тухум шаклида бўлиб, сувга солингансимон ҳолатдадир[2]. Ва унинг ярми кашф этилган, қолган ярми жануб томонида бўлиб, вайрона ҳолидадир*. Ернинг тўрт қисмидан бир қисмида иморатлар бўлиб, уни «рубъи маскун[3]» деб атаганлар ва бу рубъ шимолий устуво хаттидадир. Устуво хатти (экватор чизиғи)ни донишмандлар Ер юзининг «Маъдал-ул-наҳор» чизиғида белгилаб уни Шарқдан Ғарбгача деб тайинлаганлар. Ва бу чизиқда жойлашган ҳар бир шаҳар ва манзилни ҳисобга олганлар. У ерда кеча ва кундуз бир-бирига тенгдир. Бу минтақада бир йилда саккиз фасл мавжуд: икки баҳор, икки ёз, икки куз ва икки қиш фасли. Ва у ерда асосан, ҳар вақт у саҳро ва даштларда гул ва райҳонлар очилади. Шунинг учун барча ҳукумат бошлиқлари «хатти устуво»га тааллуқли минтақаларни хуш кўриб, у ерни мўътадил табиатга майл кўргизиб, ватан айлаганлар. Хатти устуво Чин ерларининг шарқидан бошланади ва Жамкут оролигача ўтади, кейин эса Чин Канадаж давлатининг жанубидан ўтиб Жова ороли (уни «Арзул-заҳаб» ҳам дерлар)га ўтади. Унинг кейинги ҳудуди Сарандибнинг шимоли, Калла, Сарцеа оролларининг ўртаси, Дева оролининг қоқ ярмидан, Занж оролининг шимолидан ўтиб, ҳабаш (занжий)ларнинг йирик давлатигача етади. «Хатти устуво»нинг кейинги ҳудуди Қамар сарҳадларидан Савдан ва Мағрибнинг жанубидан ўтиб «баҳри Аъзам» («Тинч океани»)га бориб тақалади.

Донишмандлар «рубъи маскун»ни хатти устуво ўтадиган ҳудудларини етти қисмга бўлганлар. Уларнинг узунлиги Шарқдан Ғарбгача бўлинган бўлиб, асосан, хатти устуво ўтувчи биринчи иқлимга кўпроқ эътиборни қаратганлар. Чунки бу ерларда азим дарёлар мавжуд. Еттинчи иқлимнинг узунлиги барча иқлимлардан узундир. Чунки у поёнсиз биёбон ва кенгликларга ўралгандир.

(Хондамир «Иқлими аввал» ҳақида кенг ва батафсил маълумот беради. Бу маълумот илмийлиги ва кенг газетхонларга унча лозим эмаслигини инобатга олиб, таржимада келтирмадик. Қуйида ҳам асардан қизиқарли маълумотга доир қисмлар келтирилади).

НАВБА ЎЛКАСИ — Главил диёрига мансуб бўлиб Нил дарёси бўйида жойлашган, унинг узунлиги 80 кеч-кундузли йўл. Навбага тааллуқли мумни Данқала деб ҳам аташган. У ерда яшайдиган одамлар соҳибжамол, қошсочлари қора бўлиб, уларнинг асосий овқати қуш гўштидир. Мева ва хурмони атрофдаги ўлкалардан келтирадилар. Туя гўштини ейиш ҳам у ерда одат бўлган. Навбада зурафо ҳам кўп. Навда «билоди Судон» (ҳозирги Судан) ҳудудига мансуб бўлиб, у ерда ҳарорат жуда баланд бўлади. Аҳоли жуда иссиқ пайтда ер остидаги сардобалар атрофига кириб жон сақлаганлар. Зикриё бинни Қазвиний «Ажойибул-булдон» асарида келтирилишича, билоди Судонда қумдан олтин олишади. Одамлар қоронғу тушишидан олдин, ҳаво ҳарорати бир оз пасайиши билан уйларидан шитоб билан чиқиб қум аралаш зарни оладилар ва уларнинг тирикчилиги шундан. Навба аҳолиси таоми тариқ ва лўвиёдан. Уларнинг кийими, асосан, вақший ҳайвонлар, кўпинча арслон терисидан қилинган, чунки у ерда арслонлар жуда кўп. Тижорат аҳли кўпинча Навбага келиб сановбар дарахти чўби, ундан ясалган уй анжомлари, мис, темирдан ишланган областа, дастшу ва бошқа идишларни келтириб, маҳалга етгандан кейин ноғора чалганлар ва олиб борган молларини бир бошдан териб чиққанлар. Аҳоли ноғора товушидан тожирлар келишидан воқиф бўлиб, кечга яқин олган моллари эвазига зар ва бошқа нарсалар берганлар. Тожирлар ўз молларини арзирли баҳога тўғри келса сотганлар, қолганини олиб кетганлар, эртасига уларнинг ўрнига бошқа савдогарлар ўзга мол олиб келганлар. Шу тариқа билоди Судон аҳли кун ўтказган.

БИЛОДУЛ-ЗАНАЖ — Шимолдан Яман билан чегарадош, жануби эса инсон яшамайдиган билдонлар, шарқий қисми Навба ўлкаси, ғарбий қисми эса Ҳабаша билан чегарадош. Занажнинг бутун халқи «асвадул-лаван» (ҳабаш)дир. Ҳароратнинг ниҳоят баланд лигидан Занажда ичимлик сув жуда танқис, шунга қарамай, уйларининг устини балиқ суяги билан (океан балиқлари) ёпишади. «Ажойибул-булдон»да келтирилишича, ҳабашлар жангга кириб, биронталари ҳалок бўлишса, ўлган кишининг жасадини еганлар. У диёрда зар (тилла) кўп. Зурофа, вақший фил учраб туради ва аҳоли у ҳайвонларни овлашади. У ўлкада бир хил дарахт мавжуд бўлиб, унинг баргини сувга солиб, филга берсалар, фил маст бўлади ва ҳабашлар у филни ўлдирадилар, суяк ва тишларини сотадилар, гўштини истеъмол этадилар. Филларнинг тиши жуда катта бўлиб, уларнинг оғирлиги 50—100 манн4 ва ҳатто айрим ҳолатда 300 маннга ҳам етган.

ТАОРА — Мағрибнинг жанубидаги шаҳар бўлиб, муҳит денгизига яқин жойда ўрнашган. Ажиби шундаки, у шаҳарнинг бутун ери шўразордан иборат бўлса-да, суви ширин, ичимлик. Туз конлари жуда кўп. Аҳолининг асосий иши туз тўплаб сотиш, Тожирлар тузни Судан вилоятига олиб борадилар. Бу юртнинг подшоҳи аёл киши бўлиб, у ерда экин унмайди.

ХАЗАРМУТ — Яман туманларидан бири. «Ажойибул-булдон»да ёзилишича, хазармутли бир кишининг ҳикоя қилишича: «У ерда буғдой бошоғини учратдимки, доналарининг ҳар биттаси тухумга ўхшар эди. кейин шу юртда 500 йил яшаган қарияни топиб, бу мўъжиза буғдой ҳақида сўрадим. У олдинги даврларда султонларнинг одил сиёсати ва юртнинг эминлиги туфайли дон маҳсулотларининг катталиги жу даражага етган», деди. Яна ғариб томони шундаки, Хазармутнинг бир жойида шундай сув мавжудки, ким уни ичса, хунасага айланар экан.

МАРБОМ — Хазармут ва уммон ўлкалари ўртасидаги шаҳар. У ернинг халқлари ғайрат, саховат ва шижоатлари билан ажралиб туради. Масалан, бу ерлик аёллар шаҳарларидан ташқарига чиқиб истаган эркаклар билан алоқа қилсалар ҳам эрлари монелик кўрсатишмас экан.

САБОЪ — Саъной шаҳридан уч кунлик йўлда жойлашган шаҳар. Унинг бошлиғи Сабоъ банни Яшжаб, банни Яъраб банни қаҳтон, банни Ҳавдодир. Ислом дини ривож... «Ажойибул-булдон»да ёзилишича чивин, пашша, илон, чаён ва бошқа ҳашаротлар бу ўлкада йўқ.

САЪНОЙ — Яман ўлкасига қарашли. У ерга борган ҳар бир касалга чалинган киши оз фурсатда сиҳат топади. Гўштнинг таъмир ва ҳиди у ерда бир ҳафтада ҳам ўзгармайди. Бу юртнинг бошлиғи бинни изол, бинни Обирдир. Саньойнинг ажойиб жиҳати — жойларидан бири Ғамдон қасридирким Яман юртига мансуб кишилар уни қурганлар. У уйнинг бир рукни сариқ, бошқаси оқ, яна бошқаси қизил ва яна бири яшилдир. «Ажойибул-билдон»да ёзилишича, бу бинонинг баландлиги шу даражада эдики, қуёш ботаётганда унинг соясси уч милга етар эди ва у уйнинг саҳри бир бутун ясси тошдан бўлиб, ҳар бир рукнида шер тасвири туширилган. Хонада шамол эсган пайтда, у шер тимсолларидан шерлар наъраси чиққан ва бу баралла эшитилган. Айтишларича, Усмон бинни Уъфон Ризоуллоҳ Уна ҳукмронлиги даврида Ғамдон қасрини бузишга амир қилган. Айрим шахсларнинг айтишича, Ғамдон биносининг ичида ким уни бузса, қатл бўлиши аниқлиги ёзилганмиш. Демак, бу қасрни бузишдан бош тортиш керак эди, бироқ Усмон бу ақидани писанд этмади ва қасрни бузди, ҳаял ўтмай қатл этилди. Баъзи манбаларнинг маълумот беришича, Саньойда ажойиб буғдой бўлиб, унинг бир пўстида иккита буғдой донаси мавжуд бўлган.

МАҲРА — Яман ҳудудининг ичида. У манзилда ажойиб дарахт мавжуд бўлиб, ҳаром ойларида (чўчқа, арслон, сичқон ва б. ойлар) ундан шу даражада кўп сув чиқадики, барча ҳовузлар тўлиб кетади ва ой тугаши билан сув оқиши тўхтайди ва келаси йилда айни ҳол содир бўлади.

ЧИН — кенглиги ва узунлиги жиҳатидан йирик мамлакат. Лаззатли сувлари ва ширин-шакар мевалари билан машҳур. Биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи иқлимларнинг пайдо бўлиши шу мамлакатдандир. Чин халқи, одамлари чиройлилигида ном чиқарган. Бироқ одамларнинг кўпчилигининг бўйи паст, боши катта. Чинлиларнинг асосий қисми бутпарастлардир ва мажусий мазҳабига эга. «Ажойибул-булдон»да ёзилишича, Чин қишлоқларидан бирида чўқурлик бўлиб, йилнинг муайян бир кунида қишлоқ аҳолиси йиғилиб, бир отни шу чўқурликка туширади ва у қанчалик чиқишга интилмасин, йўл беришмайди. От чарчаб, терлаб кетганидан кейин, у ўлкага анча узоқ вақтли қурғоқчиликдан сўнг ёмғир ёғма бошлайди. Кейин отни чўқурликдан чиқишига имкон беришади. У чиққач, сўйиб, шу чўқурликка яқин бўлган тоғ қалъасига олиб бориб ташлайдилар. Ваҳший қуш ва ҳайвонлар эса унинг тери ва гўштини ейишган. Мазкур қишлоқ аҳли шу маросимни қилмаган йили ёмғир ёғмаган, қаҳатчилик ва очарчилик вужудга келган.У ерда зар ва жавҳар маъдани кўп. Чин саҳроларида мушк ҳам топилади. Айтишларича, ҳайвонлардан олинган пайтда мушкнинг ҳиди бўлмаган. Мушк манбаи бўлган нофани жойидан бошқа манзилга кўчиришлари билан муаттар ҳид таратган. «Туҳфатул-ғароиб» муаллифининг ёзишича, Чиннинг айрим жойларида тегирмон бўлиб, унинг устки тоши айланувчан, остгиси эса ҳаракатсиз ҳолда бўлиб, тош остидан кепаксиз ун алоҳида, унсиз кепак алоҳида ажралган ҳолда чиқади.

МАДИНАИ-МУНАВВАРА — қадимул-айёмда Яшриб деб аташган. Ва Расули саллаллоҳу алайҳи васаллам (яъни Муҳаммад пайғамбар — Ҳ. Қ.) бу жойни «Мадина» деб номлади. Ул ҳазратнинг масжиди ва қабри шу жойдадир. «Ажойибул-булдон»да ёзилишича, Мадинанинг хислатларидан бири шундаки, ҳар бир ғариб у манзилга етса ёқимли ҳидни сезади ва атир бу шаҳарда янада ўткирроқ ҳид беради.

(Давоми бор.)

1 Мурсалин — пайғамбарлар хабарлари

2 Хондамир бу сатрларни ёзганда Ер куррасининг орқа томони Америка қитъаси ҳали очилмаган, маълум эмас эди.

3 Рубъи маскун — Ер куррасининг одам ва ҳайвонлар яшайдиган 4/1 қисми

4 Манн — оғирлик бирлиги, бир манн ҳар жойда турлича оғирликка эга. Масалан, олдин Самарқандда бир манн — 128 кг, Табризда 3 кг, шариат маннни эса 846 граммни ташкил этган. Ҳарҳолда Хондамир ҳисобида шариат маннни инобатга олинган бўлса керак.

Бири кам дунё

Эшагидан тушови оғир

Украина ички ишлар вазирлигининг Қримдаги бошқармаси биносида жойлашган Лениннинг бронза бюсти комфирқанинг республика қўмитасига топширилди. Қарийб ярим тонналик келадиган бу «тош жасад»ни ортиш ва олиб кетиш Симферопол шаҳар кенгаши коммунист депутатлари гарданига тушди.

ИИВ катталари собиқ доҳийнинг яна эллик беш томлик асарларини ҳам коммунистлар ихтиёрига топшириш ниятида эканликларини айтишди. Бюст оғирлигидан елкаларини қашиб турган коммунистлар энди бошларини қашийдиган бўлишади.

Хўрозлар ҳар хил қичқирмоқда

Бундан буён янги туғилган ҳар бир сочилик чақалоқ номига жамғарма банкида юз минг сўмга ҳисоб рақами очилади. Ва бу миқдор йил сайин фоиз ҳисобига ошиб бораверади. Бола ўн олти ёшга етганда банкдан 15 миллион сўмни «қуртдай» санаб олиб, қарабсизки, миллионер бўлиб қолади.

Гарчи, бу чиқимлар ғазнани салмоқлигина ўпирадиган бўлсада, шаҳар маъмурияти шундай қадам қўймоққа мажбур бўлди. Чунки, Сочида туғилиш даражаси энг паст нуқтага тушиб кетди.

Бизда эса...

Ҳунарлида ҳикмат кўп

Аввал судланган Яковлев деган нотайин кимса Финев Луг қишлоғидаги уйлардан бирига бостириб кирди. Қўлида пичоқ билан уй эгаси бўлмиш кампирдан қимматбаҳо нарсалар ва пулларни чиқаришни талаб қилди. Кампир босқинчининг айтганларини муҳайё қилди-ю, шу билан бирга тўрт яшар болани билдирмай қўшниларникига чиқариб юборишни ҳам унутмади.

Воқеадан хабар топган қўшни, ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси Андрей Толмачёв ўзини йўқотиб қўймади. Анчайин олишувдан сўнг босқинчини тавбасига таянтириб, қўл-оёғини боғладида, милицияни ҳам кутмай, чиқиб кетди.

Новгород вилояти ички ишлар бошқармаси ҳунар толиби Андрейни бундай «ҳунари» учун фахрий ёрлиқ ва пул мукофоти билан тақдирлади.

Тузга тўйинмаган қонун

«Ажаб қонунларинг бор қўҳна Оврупо». Ишқилиб, шундайми ёки шунга яқинроқми бир гап бор.

Масалан, Игалияда гиёҳванд моддалар, ўқ отиш қуроллари у ёқда турсин, оддий денгиз сувини ташиш ҳам қатъиян манъ этилади. Қонун бўйича катта жарима тўлаш керак. Ҳатто, қамоқ жазоси ҳам белгиланиши мумкин.

Сабаби антиқа. Бир неча ўн йиллардан бери Италияда туз давлат мулки ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши даврида денгиз сувидан ноқонуний равишда туз ажратиб олиш авж олиб кетди. Ҳукумат янги қонун билан бу ишни таъқиқлаб қўйган эди. Ҳозирги кунда унақа тузларга эҳтиёж бўлмаса-да, қонун ҳамон кучда. Тузлими, тузсизми, қонун қонунда.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.

Хотира

УМИД ЗИЁСИ

Самарқанд вилоятининг Нуробод туманига қарашли Иброҳим ота қишлоғида Нурбой Султоновни фахр билан тилга олишади. У фашистларга қарши жангга отланганда мўйлаби энди сабза ура бошлаган йигит эди. Нурбой Сталинград остоналаридан то Руминия, Венгрия, Чехословакия, Польшагача бўлган жанговар йўлни босиб ўтди, аёвсиз ўқ ёмғирлари остида қаҳрамонлик намунасини кўрсатди.

Урушдан қайтгач, СамДУнинг тарих факультетига ўқишга кирди ва имтиёзли диплом билан тугатди. Илк педагогик фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Иброҳим ота қишлоғидаги мактабда бошлади. 1953-1959 йилларда Паст Дарғом туманидаги 22-ўрта мактабда илмий бўлим мудири ва мактаб директори бўлиб ишлади. Суронли жанглар синовида тобланган йигит меҳнат фронтида ҳам моҳир ташкилотчилигини кўрсатди. У Анжирли қишлоғида янги мактаб очишда ва у ерда дастлабки ўқув-тарбия ишларини жонлантиришда, энг муҳими, бу борада жамоанинг иқтидор ва ташкилотчилик қобилиятини намоён этишда жонкуярлик қилиб, кўпчиликнинг ҳурматининг қозонди.

Нурбой аканинг дарс ўтиш усули ўзига хос эди. У сабоқ бериш давомида, албатта, кундалик турмушимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ўқувчилар онгига сингдириб борарди. Бунинг учун у турли қўшимча манбалардан ижодий фойдаланар, шу билан бирга ўқувчилар билимини баҳолашда эътиборга молик жиҳатларни инобатга олишни унутмасди. Бу ҳаётни нозик идрок этишга, мозий билан бугун ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини англашга, энг асосийси, давр билан ҳамнафас қадам ташлашга даъват этадиган тарихчи муаллимга хос услуб эди.

Нурбой Султонов ҳаёти ва раҳбарлик фаолияти камалак рангларидай сержило. У қайси мактабда фаолият кўрсатмасин, ўша ерда таълим-тарбия иши жонланарди. Моҳир муаллим шарқона яшаш тарзимиз, урф-одат ва миллий қадриятларимизни ўқувчилар онгига сингдиришга интиларди. У киши мустақилликни севиб қаршилаган, унга бор вужуди билан берилган, юртнинг озод ва ҳурлигидан фахрланадиган миллий ғурури юксак инсон эди.

Нурбой ака умрининг сўнгги йилларида Анжирли қишлоқ кенгашининг раиси лавозимида ишлади. Бу даврда маданият уйи, кутубхона, ясли ва мактаблар очиб, қишлоқни замонавий маърифат ўчоқларидан бирига айлантиришга интилди.

Нурбой ака ўз оиласида меҳрибон ота ҳам эди. Фарзандлари — Норбек, Нуриддин, Саломат ва Гавҳаройлар ота изидан боришиб, педагоглик касбини танлашди. Қизи Саодат шифокор, Малика ва Софиялар эса кутубхоначи, Аслиддин, Шуҳрат ва Қаҳрамонлар ҳам ҳаётда ўз ўринларини топишиб, турли соҳаларда меҳнат қилишяпти. Назаримда бу фарзандлар ишида, шогирдлари фаолиятида Нурбой аканинг орзу-умидлари қуёши чарақлаб тургандек туюлади.

Барот ЯРАШЕВ.

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТДИ

Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази қошида ҳам талайгина хайрли тадбирлар амалга оширилди. «ЭҲМ», «Тайёрасозлик», «Кемасозлик», «Кино-фото», «Радио», «Автомоделчи», «Миллий мусиқа асбоблари ясаш» тўгараклари аъзолари учун шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларига, фабрика, завод, музей, театрларга турли қизиқарли саёҳатлар уюштириш тўгарак раҳбарининг диққат марказида бўлди. «Радио», «Тўқиш» ва «Бичиш-тикиш» тўгараклари ўртасида «Брейн-Ринг» мусобақаси ўтказилди. Ғолиблар Марказнинг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Марказнинг кўргазмалар залида «Болалар техник ижоди кўргазмаси»нинг ташкил этилиши, «Ҳунарим — фахрим» мавзуида ўтказилган китобхонлар конференцияси ўғил-қизларнинг ўз таътил кунларини янада сермазмун кечиришларида, айниқса, алоҳида аҳамият касб этди.

Л. ТЎХТАЕВА,
Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази ташкилий-оммавий бўлимининг услубчиси.

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 3-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, «Халқ маорифи аълочиси», Республика тоифасидаги ҳакам Абдураҳмон Отамуродов ёшларни спортга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида етарли тажрибага эга. У ўқувчиларни ҳамиша спортнинг энг нозик сирларидан ўз вақтида огоҳ эта билишга интилади. А. Отамуродовнинг таълимини кўрган ёш спортчиларнинг кўпчилиги вилоят, республика миқёсида бўлиб ўтадиган спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Суратларда: 1. А. Отамуродов ўз шогирдлари даврасида. 2. Шу мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Шавкат Шодиев баскетболчи қизлар жамоаси билан биргаликда навбатдаги машғулотларга ҳозирлик кўрмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир ўринбосари
Маҳкам РАҲМОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Қурбонбой Матқурбонов.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-022. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456